



ISSUES OF IMPROVING FORENSIC EXAMINATION IN COURT AND DURING INVESTIGATION

A.K. ZAKURLAEV

Professor of the Department of Legal Disciplines
University of Public Security of the Republic of Uzbekistan,
Doctor of Law (DSc), Professor
<https://doi.org/10.5281/zenodo.15379793>

ARTICLE INFO

Received: 05th May 2025
Accepted: 09th May 2025
Online: 10th May 2025

KEYWORDS

Artificial intelligence, modern technologies, electronic evidence, digital evidence, forensic examination, forensic expertise, remotely controlled models, electronic information, 3-D technologies, 3-D modeling, 3-D scanning, 3-D printing; international cooperation in the field of forensic examination.

ABSTRACT

The article highlights artificial intelligence technologies and their impact on the occurrence of various manifestations of crime, issues of identifying digital electronic evidence, as well as issues of introducing innovative technologies and artificial intelligence technologies into forensic expertise. Based on the scientific works of domestic and foreign scientists on forensic examination, as well as the analysis of practical forensic expertise, the most promising areas of using innovative technologies in this activity are proposed. It is proved that another factor influencing the development and expansion of the capabilities of forensic expertise is the intensification of the activities of forensic expert institutions in the implementation of international cooperation.

ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ СУДЕБНОЙ ЭКСПЕРТИЗЫ СУДЕ И В СЛЕДСТВИИ

A.K. ЗАКУРЛАЕВ

Профессор кафедры юридических дисциплин
Университета общественной безопасности Республики Узбекистан
д.ю.н. (DSc), профессор
<https://doi.org/10.5281/zenodo.15379793>

ARTICLE INFO

Received: 05th May 2025
Accepted: 09th May 2025
Online: 10th May 2025

ABSTRACT

В статье освещаются технологии искусственного интеллекта и их влияние на возникновение различных проявлений преступности, вопросы выявления цифровых электронных доказательств, а также вопросы внедрения инновационных технологий и технологий искусственного интеллекта в судебно-экспертную деятельность. На основе научных работ отечественных и зарубежных ученых по судебной экспертизе, а также



KEYWORDS

Искусственный интеллект, современные технологии, электронное доказательство, цифровое доказательство, судебная экспертиза, судебно-экспертная деятельность, дистанционно управляемые модели, электронная информация, 3 D-технологии, 3 D-моделирование, 3 D-сканирование, 3 D-печать; международное сотрудничество в области судебной экспертизы.

анализа практической судебно-экспертной деятельности предложены наиболее перспективные направления использования инновационных технологий в данной деятельности. Обосновано что, еще одним фактором, влияющим на развитие и расширение возможностей судебной экспертизы, является активизация деятельности судебно-экспертных учреждений по осуществлению международного сотрудничества.

ТЕРГОВ ВА СУД ЖАРАЁНИДА ЭКСПЕРТИЗА ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

А.К. ЗАКУРЛАЕВ

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети ҳуқуқий фанлар кафедраси профессори, ю.ф.д. (DSc), профессор
<https://doi.org/10.5281/zenodo.15379793>

ARTICLE INFO

Received: 05th May 2025
Accepted: 09th May 2025
Online: 10th May 2025

KEYWORDS

Сунъий интеллект, замонавий технологиялар, электрон далил, рақамли далил, суд экспертизаси, суд-экспертлик фаолияти, масофадан бошқариладиган моделлар, электрон

ABSTRACT

Мақолада сунъий интеллект технологиялари ва уларнинг жиноятчиликнинг турли кўринишлари пайдо бўлишига таъсири, шунингдек, рақамли электрон далилларни аниқлаб олиш масалалари, шунингдек, суд экспертлик фаолиятига инновацион технологиялар ва сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш масалалари ёритилган. Суд экспертизаларига оид маҳаллий ва хорижий олимларнинг илмий ишлари ҳамда амалий суд-экспертлик фаолиятининг таҳлилларига асосланиб, ушбу фаолиятда инновацион технологиялардан фойдаланишнинг энг истиқболли йўналишларини тақлиф қилинган. Суд экспертизасини ривожлантириш ва унинг имкониятларини



маълумот, 3 Д- кенгайтиришга таъсир этувчи кўплаб яна бир омил
технологиялар, 3 Д- сифатида – суд-экспертиза муассасаларининг хорижий
моделлаштириш, 3 Д- ҳамкасблар билан халқаро алоқаларни амалга ошириш
сканерлаш, 3 Д-босиб бўйича фаолиятини фаоллаштириш эканлигини
чиқариш; суд-экспертиза асосланган.
соҳасида халқаро
ҳамкорлик.

Мамлакатимизда адолатли одил судловни, шу жумладан суд экспертизасини доимий равишда такомиллаштириш ва ривожлантириш асосий вазифалардан бири деб ҳисобланади. Бунинг учун Ўзбекистонда суд тизими ва суд экспертиза муассасаларини ислоҳ қилиш, шунингдек адолатли ёндашувларни шакллантириш орқали суд экспертизасини ривожлантириш, суд экспертизасининг моҳиятини, суд экспертларининг процессуал ҳаракатлардаги аҳамияти ва ўрнини тўғри тушуниш ва талқин қилиш, адолатли одил судлов функцияси ҳамда суд экспертларининг функцияларини, жамият ва суд-ҳуқуқ тизимида суд экспертларининг ролини тўғри идрок этиш, жамиятимизнинг одил судлов тизимида, шу жумладан суд экспертларига бўлган ишончини яхшилаш ва тушунчасини шакллантириш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда.

Сунъий интеллект замонавий технологияларнинг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, унинг имкониятлари турли соҳаларда инқилобий ўзгаришларга олиб келмоқда. Инсон фикрлашига тақлид қилувчи дастурлар ва алгоритмлар орқали мураккаб жараёнларни тезлаштириш, самарадорликни ошириш ва янги ёндашувларни яратиш имкони яратилмоқда. Айниқса, сунъий интеллектнинг ҳуқуқий соҳада қўлланилиши юридик жараёнларни модернизация қилиш ва самарадорликни оширишда катта истиқболларни очиб бермоқда.

Ҳуқуқий тизимда сунъий интеллектдан фойдаланиш қонунчилик базаларини автоматлаштирилган таҳлил қилиш, юридик маслаҳат бериш, ҳужжатларни тизимли шаклда саралаш, ҳатто, суд қарорларини прогноз қилиш каби жараёнларни ўз ичига олади. Бу технологиялар юристлар ва судьялар учун вақт ва маблағ тежашга хизмат қилсада, уларнинг кенг қўлланилиши билан боғлиқ янги саволлар ва қийинчиликлар пайдо бўлмоқда. Жумладан, илмий доираларда ахлоқий принциплар, маълумотлар махфийлиги ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалалар кўп муҳокама қилинмоқда.

Мамлакатимизда суд экспертшунослиги ривожланишининг сўнгги ўн йиллиги рақамли трансформация даврига фаол кириш билан тавсифланади, бунинг натижасида “суд-экспертиза фаолиятини рақамлаштиришнинг хусусий назарияси ишлаб чиқилди ҳамда суд-экспертшунослиги тизимида суд-экспертлик фаолиятини ахборот-компьютер таъминоти асосланган ажралмас таркибий қисм ҳисобланади [1, с.16; 2, с.98]. Шу сабабли ушбу назарияни янада ривожлантириш суд-экспертлик фаолиятининг субъектларини суд экспертизаси объектлари тўғрисидаги маълумотларни акс эттириш ва экспертиза вазифаларини ҳал қилишнинг замонавий рақамли воситалари билан жиҳозлаш нуқтаи назаридан ҳам мумкин.



Ўз ўрнида жиноятчиликнинг замонавий кўринишларининг ўзига хос хусусиятлари ҳам сезиларли даражада ўзгарди, унинг тузилишида ўзгаришлар рўй берди – моддий базага эга бўлган уюшган, мукамал техник жиҳозланган гуруҳларнинг фаолияти катта ўрин эгаллаш бошлади, бу эса суд экспертларидан ўз махсус билимлари ҳажмини ва иш фаолияти самарадорлигини оширишни ҳамда уларни қўллаш доирасини кенгайтиришни талаб қилади.

XX асрнинг охиридан бошлаб, фуқаролик муомаласида масофадан бошқариладиган моделлар тобора кенг тарқалди, улар орасида фойдаланиш даражаси кундан-кунга ортиб бораётган учувчи қурилмалар айниқса кенг тарқалган: вертолётлар, квадрокоптерлар ва бошқ. XXI асрнинг бошларига келиб эса учувчисиз учадиган аппаратлари (дронлар) болалар учун ўйинчоқларга айланмоқда. Улар операторлар, журналистлар, блогерлар томонидан видео тасвирга олиш учун кенг фойдаланилмоқда. Қутқарувчилар бу каби аппаратлардан фавқулодда вазиятларда ёрдам бериш учун, олимлар эса илмий тадқиқотларда маълумотларни тўплаш ва қайд этиш учун фойдаланадилар.

Сунъий интеллект технологиялари қидирилаётган шахсларни аниқлаш ва бедарак йўқолганларни қидириш учун фаол фойдаланилмоқда. Масалан, “FindFace” технологиясидан фойдаланган ҳолда шаҳарнинг турли жойларига ўрнатилган кузатув камераларидан жиноятчиларни қидириш Москва шаҳрида 2017 йилдан бери амалга оширилмоқда. 2020 йилнинг ўзида шаҳар видеокузатув тизими – “Хавфсиз шаҳар” автоматлаштирилган қидирув мажмуаси (“АПК”)нинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш сегментидан фойдаланган ҳолда 5 000 дан ортиқ жиноятлар очилган [3].

Ўзбекистонда ҳам кузатув камераларидан самарали фойдаланилмоқда, жумладан “Жиноят содир этгани учун қидирувда бўлган беш нафар шахс Тошкентдаги кузатув камералари орқали аниқланиб, қўлга олинди. Бу ҳақда Миллий гвардия хабар берди. Қайд этилишича, 14 – 19-сентябр кунлари Миллий гвардия ҳарбий хизматчи ва ходимлари жиноят содир этгани учун ички ишлар органлари томонидан қидирувда бўлган беш нафар шахсни қўлга олди” [4].

Аммо дронлар қўлланилаётган шахсий ва ижтимоий фойдали соҳаларнинг кенгайиши билан бир вақтда уларни қонунга хилоф қўллаш ҳолатлари ҳам учраши мумкин. “Ҳар бир инсоннинг ўз ҳуқуқлари бор: сўз эркинлиги, сайлаш ва бошқалар. Лекин ўзгаларнинг ҳам ҳуқуқлари бор-да. Одам ўзининг ҳуқуқларини амалга ошираётган пайтда ўзгаларнинг ҳуқуқларига дахл қилмаслиги керак. ... Масалан, биз ҳозир ҳаммага [дрондан фойдаланишга] рухсат бериб юборсак – бу қурилмалардан фойдаланиш маданияти ҳали биз тасаввур қилган даражада эмас – қўпол қилиб айтганда, одамлар бир-бирини уйида қилаётган ишларини ҳам дронлар орқали Фейсбук ёки бошқа тармоқларда эфирга қўйиб юбориши мумкин” [5].

Жаҳон миқёсида ахборот-коммуникация технологиялари шиддат билан ривожланиб, барча соҳалар босқичма-босқич рақамлаштирилмоқда. Ўз навбатида, ушбу жараёнда ғараз ниятли кимсалар томонидан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда кибермаконда жиноят содир этиш ҳолатлари тез-тез кузатилмоқда.



Кибермаконда содир этилаётган жиноятлардан жабр кўрганлар сони кундан-кунга ошиб бормоқда. Жиноятчилар ўзганинг пул маблағларини талон-торож қилишда янгидан-янги усуллардан фойдаланиб, дастурий аппарат қурилмалари ёрдамида қонунга хилоф тарзда банк картаси ёки бошқа тўлов карталарининг нусхасини яшаш, сохталаштириш орқали ўзганинг банк ҳисобидаги ёхуд электрон тўлов ҳамёнидаги пулларини талон-торож қилади. Мазкур тоифадаги жиноятларни содир этишнинг ҳам, уларни аниқлашнинг ҳам бирдан - бир манбаи – бу электрон маълумотлардир.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги электрон маълумотларни рақамли далил, деб топиш ва иш ҳужжатларига қўшиш билан боғлиқ муаммолар юқоридаги каби жиноятларни фош этишда яқин вақтларгача катта қийинчиликларни юзага келтиради. Шу сабабли, ҳозирги кунда, рақамли далилларни йиғиш, сақлаш ва тақдим этишда ягона қоидалар ва стандартларни белгилаш орқали суд ишларида адолатни таъминлаш, рақамли далилларнинг асослилигини ва ишончилигини кафолатлаш, улардан нотўғри фойдаланишнинг олдини олиш, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида рақамли технологияларни янада кенг жорий қилиш талаб этилади.

Агар электрон маълумотлар мутахассис иштирокисиз, яъни масалан, оддий терговчи ёки бошқа мансабдор шахслар томонидан, уларнинг тўғри олингани ва сақлангани кафолатланмаса, бу маълумотлар нотўғри ёки манипуляцияланган бўлиши мумкин. Шу боисдан ҳам улар суд томонидан номақбул далиллар деб топилиб, асос сифатида қабул қилинмайди. Бу каби муаммони олдини олиш учун эса, электрон далилларни аниқлаш ва белгиланган тартибда олиш учун мутахассисларга мурожаат қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Инновацион технологиялардан фойдаланиш суд-экспертлик фаолиятини ва мустақил фан сифатида суд экспертшунослиғи сезиларли ва сифат жиҳатидан ўзгартиради, уни янада ривожлантириш учун катта имкониятлар очади, бу эса ўз навбатида нафақат, илгари имкони йўқ деб ҳисобланган экспертиза вазифаларини ҳал қилиш орқали суд экспертизаси имкониятларини кенгайтирибгина қолмай, балки эксперт хулосаларининг ишончилиги ва далилий аҳамиятини оширишга имкон яратади.

Сунъий интеллект технологиялари – суд-экспертлик фаолиятининг истиқболли йўналишларидан биридир. Ҳозирги вақтда сунъий интеллектни суд-хатшунослик экспертизасида [6], муаллифликшунослик экспертизасида [7], суд-портрет экспертизасида [8] татбиқ қилишга бағишланган тадқиқотлар олиб борилмоқда. шунингдек, суд-автотехникавий экспертизасида ҳам сунъий интеллектдан фойдаланиш бўйича таклифлар мавжуд [9].

Шундай қилиб, суд экспертизасида инновацияларни қўллаш соҳалари жуда кенг, улар бутун суд экспертшунослиғи ва суд-экспертлик фаолиятининг тизимига тўлиқ кириб бормоқда.

Бизнинг фикримизча, инновацион технологиялардан фойдаланишнинг энг истиқболли йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- 3 Д-технологияларининг кенг қўлланилиши: 3 Д-моделлаштириш, 3 Д-сканерлаш, 3 Д-босиб чиқариш;

- сунъий нейрон тармоқлар и ва сунъий интеллектдан фойдаланиш;



- компьютер томографиясини қўллаш;
- нано-технологиялардан фойдаланиш.

Таъкидлаш керакки, узоқ вақтлардан бери турли суд экспертизалари объектларининг 3D-моделлаштириш услублари ёрдамида қайд этиш ва ушбу объектларининг 3D-моделларининг экспертиза тадқиқотлари хусусиятлари бўйича эмпирик материаллар ишлаб чиқилмоқда. Бироқ, суд-экспертлик фаолиятида 3D-технологияларини қўллашнинг назарий ва услубий асосларини шакллантириш фақат сўнгги бир неча йил ичида қайд этилган.

Хорижий давлатларда суд экспертизасида ушбу ўзига хос соҳа 3D-Forensic Science (3DFS) деб номланади [10]. Ушбу соҳа суд-экспертизага оид технологияларни ривожлантиришда янги истиқболларни очиб беради.

3D-моделлаштириш услублари жабрланувчига етказилган шикатланиш ва жароҳатларнинг ташқи кўринишини, ҳодиса содир бўлган жой ва уни кўздан кечириш пайтида топилган ашёвий далилларни қайта тиклашга ёрдам бериши мумкин. Шунингдек, ушбу технологияларни қўллаш доирасида

2D-маълумотларга асосланган уч ўлчамли моделларни яратиш мумкин.

2023 йилда Буюк Британиядаги Visual Technologies Research Group (VTRG) The Forensic Capability Network (FCN) визуал технология тадқиқотчилар гуруҳи илмий ишларининг натижалари бўйича биринчи ҳисобот тақдим этилди, унда 3D-Forensic Science соҳасидаги мавжуд вазият таҳлил қилинди [11]. Ушбу ҳисобот муаллифлари суд-тибиёт экспертизаларини ўтказиш, ҳодиса содир бўлган жойни қайд этиш, шунингдек ашёвий далилларни тўплаш соҳасида 3 D технологияларининг алоҳида ролини таъкидладилар.

Тадқиқотчилар (Carew R.M., French J., Morgan R.M.) илмий тадқиқотларнинг янги соҳасини – 3D-Forensic Science – суд-экспертизага оид қайта тиклаш мақсадларида 3D-моделлаштириш ва 3D-чоп этиш (босма чиқариш) услубларини қўллаш деб таърифладилар. Бундан ташқари, уч ўлчовли технологияларни қўллаш соҳаси далилларни рақамли қайд этиш ва сақлаш воситаларидан тортиб, турли хил далилларнинг уч ўлчовли визуал моделларини яратиш ва уларни суд мажлисида тақдим этишгача бўлган жараёнларини қамраб олади.

Муаллифларнинг фикрича, “3D-Forensic Science”нинг мақсади – суд экспертиза тадқиқотларини ўтказиш ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини, улар фақат экспертиза тадқиқотлари натижаларининг кўргазмали намоиши ёки иш бўйича далилларининг рақамли нусхалари бўлишидан қатъи назар, 3D-технологиялари ёрдамида тўлдириш ва қўллаб-қувватлашдир [11].

3D-технологиялари пировард натижада судья, адвокатлар, айбланувчилар, жабрланувчилар каби махсус билимга эга бўлмаган шахслар томонидан содир бўлган ҳодисанинг ҳолатларни аниқ тушунишга ёрдам беради.

Шу муносабат билан тадқиқотчилар 3D-суд экспертизаси соҳасидаги келгуси илмий тадқиқотларнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларни белгиладилар:

- дастлабки тергов ва суд мажлисида 3D-технологияларидан фойдаланишнинг ахлоқий жиҳатларини кўриб чиқиш;



– дастлабки тергов ва суд мажлисида 3D-технологияларининг аҳамиятини ўрганиш;

– суд экспертизасида 3D-технологияларидан фойдаланишнинг атамалари ва услубий аппаратларини тизимини ишлаб чиқиш ва стандартлаштириш;

– 3D-технологияларидан фойдаланиш натижаларининг суд процесслари иштирокчиларига руҳий-психологик таъсирининг тадқиқотлари;

– анъанавий тадқиқот услубларига нисбатан 3D-технологияларни қўллаш натижалари аниқлигини миқдорий баҳолаш;

– 3D-технологияларидан фойдаланишни VR/AR технологиялари билан биргаликда ўрганиш.

Фикримизча ушбу рўйхатни тўлиқ деб ҳисоблашга хали эрта, чунки келгуси илмий тадқиқотлар доирасида ўрганилиши лозим бўлган яна бир қатор йўналишлар мавжуд, жумладан:

– иш учун муҳим бўлган ҳолатларни аниқлаш учун 3D-технологияларини қўллаш натижаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;

– мавжуд услубийларни такомиллаштириш, шунингдек 3D-моделлаштириш ва 3D-чоп этиш услубларидан фойдаланган ҳолда экспертиза вазифаларини ҳал қилишнинг янги услубларини ишлаб чиқишга бағишланиши махсус амалий тадқиқотлар ўтказиш;

– тегишли услубий таъминотни ишлаб чиқишда 3D-моделни (3D-сканерлаш, фотограмметрия, CAD-дастурларида лойиҳалаш) олишнинг аниқ технологиясини ҳисобга олган ҳолда, керакли белгиларнинг акс этиши ва натижаларни олишнинг аниқлиги ва етарлилигини миқдорий баҳолашга алоҳида эътибор қаратиш.

Суд экспертизасини ривожлантириш ва унинг имкониятларини кенгайтиришга таъсир этувчи қўплаб яна бир омил сифатида – суд-экспертиза муассасаларининг хорижий ҳамкасблар билан халқаро алоқаларни амалга ошириш бўйича фаолиятини фаоллаштириш эканлигини таъкидлаш лозим.

Бу каби ўзаро ҳамкорлик шакллари жуда хилма-хил, жумладан: халқаро илмий-амалий анжуман ва конференциялар ташкил қилиш ва уларда иштирок этиш, қўшма ўқув-семинарлар, симпозиумлар ўтказишда экспертлик тажриба алмашиш, бошқа мамлакатларнинг суд экспертлари делегацияларини қабул қилиш ҳамда уларни суд-экспертиза муассасаларида ўқитиш ва стажировкаларини ташкил қилиш, халқаро икки томонлама шартномаларга мувофиқ хорижий ташкилотлар топшириқларига кўра суд экспертиза вазифаларини бажариш, суд экспертизаси масалалари бўйича хорижий экспертиза муассасалари билан телекоммуникацион алоқалар ва ҳ.к.

Экспертиза хизматларининг халқаро фаолиятини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ушбу алоқалар муайян тактик қоидаларга риоя қилишни талаб қилади. Халқаро ҳамкорлик алоқалари суд-экспертлик фаолиятининг барча соҳаларида амалга оширилиши керак, жумладан, барча даражаларда: оддий суд экспертлардан бошлаб суд-экспертиза муассасалари раҳбарияти даражасида; Ўзбекистонда ва чет элда суд экспертизасини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусияти бўйича ҳам ва шунингдек, соҳага оид стратегик масалалар бўйича ҳам; нафақат суд-экспертиза муассасалари билан, балки бошқа органлар ва ташкилотлар билан ҳам ҳамкорлик қилиш лозим.



Келажакда суд-экспертиза муассасаларининг тактик жиҳатдан тўғри ташкил этилган халқаро алоқалари маълум даражада – Ўзбекистонда жиноятчиликка қарши самарали курашишга; Ўзбекистонда суд экспертизасини ривожлантириш, суд экспертлик фаолиятини Ўзбекистоннинг суд-экспертиза муассасалари ва идоравий мансблигидан қатъи назар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан илмий-тадқиқот ва услубий йўналишларда дунёла илғор даражаларда мустаҳкамлашга; жиноят, фуқаролик ва бошқа ишларда бошқа ҳамкор давлатларга ҳуқуқий ва бошқа турдаи ёрдам кўрсатиш, суд экспертларининг ғаққоний ва ишончли хулосаларини таъминлаш бўйича Ўзбекистоннинг халқаро мажбуриятларини бажаришга ёрдам беради

Одил судловни ва терговни таъминлаш учун суд экспертизасини такомиллаштиришнинг асосий йўллари сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин:

– суд экспертиза муассасаларининг барча таркибий тузилмаларини (лаборатория, бўлим, бўлинма, гуруҳ ва ҳ.к.) ISO/IEC 17025 халқаро стандартига мувофиқ аккредитациядан ўтказиш ҳамда мувофиқлик сертификати олиш (мисол учун, ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги РСЭМнинг “Одам ДНКси суд биологик экспертизаси” ва “Материаллар, ашёлар ва буюмлар криминалистик экспертизаси” лабораториялари ISO/IEC 17025 халқаро стандартига мувофиқ аккредитациядан ўтказилган ва мувофиқлик сертификати олинган);

– бошқа давлатларнинг эксперт хизматлари билан тажриба, усуллар (услубиётлар, технологиялар ва бошқ.) ҳақида маълумот алмашиш орқали халқаро ҳамкорлик;

– ҳамкорлик доирасини янада кенгайтириш мақсадида Жаҳон суд экспертлари ассоциацияси (IAFS) ҳамда Осиё суд экспертизаси тармоғига (AFSN) аъзо бўлиб, унга аъзо бўлган давлатлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш;

– Европа суд экспертиза тармоғи ташкилоти аъзолари билан экспертиза соҳасида биргаликда ишлаш;

– электрон тест синовлари орқали суд экспертларининг касбий тайёрлаш самарадорлигини ошириш;

– суд экспертнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш орқали суд экспертизаси соҳасидаги коррупцияга қарши курашиш;

– давлат суд экспертнинг ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш;

– суд экспертизасининг адолатлилигини таъминлаш, давлат суд экспертларининг мотивациясини ошириш;

– суд экспертнинг фаолиятига қонунга хилоф тарзда аралашганлик учун жиноий жавобгарлик белгилаш;

– суд экспертнинг тегишли ижтимоий ва моддий таъминотини таъминлаш;

– суд-экспертиза муассасаларини замонавий асбоб-ускуналар, меъёрий-ҳуқуқий ва маълумотли-методик материаллар, суд экспертизаси соҳасидаги янги ютуқлар тўғрисидаги маълумотлар, экспертиза вазифаларини ҳал этишнинг замонавий илмий-методик даражасига мос келадиган дастрий таъминоти маҳсулотлар билан таъминлаш.



Юқорида айтиб ўтилганлар суд экспертиза тизимининг ривожланишига, унинг одил судловни таъминлашга амалий ёрдам бера оладиган орган сифатида шакллантиришга имкон беради.

References:

1. Россинская Е.Р. Современная судебная экспертология – наука о судебной экспертизе и судебно-экспертной деятельности / Е.Р. Россинская // Теория и практика судебной экспертизы. 2015. №4 (40). – С.10-18;
2. Дьяконова О.Г. Понятие и структура предмета науки «Судебная экспертология» / О.Г. Дьяконова // Вестник Университета имени О.Е. Кутафина. 2015. №12. – С.86-99.
3. Новости ГУ МВД России по г. Москве // URL: <https://77.mvd.rf/news/item/22825421>.
4. Milliy gvardiya jinoyat sodir etgani uchun ichki ishlar organlari tomonidan qidiruvda bo'lgan besh nafar shaxsni qo'lga oldi / <https://sputniknews.uz/20230922/jinoyat-qidiruv-shaxslar-kuzatuv-kameralari-39194654.html>.
5. “Dronlardan foydalanish madaniyati hali biz tasavvur qilgan darajada emas” — “Madad” NNT vakili. // <https://www.gazeta.uz/uz/2024/04/15/dron>.
6. Иванов А.И., Газин А.И., Качайкин Е.Я., Андреев Д.Ю. Автоматизация почерковедческой экспертизы, построенная на обучении больших искусственных нейронных сетей // Модели, системы, сети в экономике, технике, природе и обществе. 2016. №1 (17). – С.249-257.
7. Соколова Т.П. Судебное автороведение как междисциплинарная область знания // Вестник Университета имени О.Е. Кутафина (МГЮА). 2019. №5. – С.132-142.
8. Подволоцкий И.Н. Организация портретной экспертизы в цифровой сфере // Вестник Университета имени О.Е. Кутафина (МГЮА). 2020. №6. – С.89-100.
9. Попов В.Л. Проблемы и перспективы использования нейросетевых технологий при производстве судебных экспертиз в транспортной сфере // Транспортное право и безопасность. 2020. №3 (35). – С.65-75.
10. Carew R.M. 3D forensic science: A new field integrating 3D imaging and 3D printing in crime reconstruction / R.M. Carew, J. French, R.M. Morgan // Forensic science international. Synergy. 2021. Vol. 3. P. 100205.
11. Carew R.M., Collings A.J. 3D forensic science: An introductory statement from the members of the Forensic Capability Network (FCN) Visual Technologies Research Group (VTRG) // Forensic Imaging. Vol. 33. 2023. P. 200546.